

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
NAMANGAN MUHANDISLIK – QURILISH  
INSTITUTI**



**“O'ZBEKİSTONDA ILM-FAN, TA'LIM VA  
TEXNOLOGİYANI RIVOJLANTIRİSHNING  
DOLZARB MASALALARI”**

**mavzusida respublika miqyosida ilmiy-amaliy  
konferensiya materiallari to‘plami**

Namangan shahri  
24-25-sentabr 2021 yil

adabiyotlar bilan ishslash esa hayot va reallik bilan aniq tasavvur va bilimga ega bo'lish imkonini yaratadi.

Sharq xalqlari azal azaldan o'zining yuksak ahloqiy qarashlari, uning ta'lif bilan uyg'unligi harakteri nuqtayi nazaridan betakrordir. Bu xususidagi azaliy fikrlar ham so'zimizni tasdiqlaydi: "Talimni tarbiyadan, tarbiyani esa ta'lifdan ajratib bo'lmaydi. Bu sharqona qarash sharqona hayot falsafasidir"[2]. Bu esa jamiyatda, ijtimoiy muhitdagi muvozanat va axloqiy kamolot yuksak joyda ilm taraqqiy etishi, barqarorlik bo'lishining garovidir. Shu o'rinda, millat taqdiri bo'lgan yoshlar haqida fikr bildirar ekan davlatimiz rahbari ularga yuksak ishonch bildirib: "Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta'lif va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib xizmat qilishi lozim.

Ushbu maqsad yo'lida yoshlarimiz o'z oldiga katta marralarni qo'yib, ularga erishishlari uchun keng imkoniyatlар yaratish va har tomonlama ko'mak berish - barchamiz uchun eng ustuvor vazifa bo'lishi zarur. Shundagina farzandlarimiz xalqimizning asriy orzu-umidlarini ro'yobga chiqaradigan buyuk va qudratli kuchga aylanadi" [3 ] deb ta'kidlaydi.

## **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining 30 yillik bayramiga bag'ishlangan tantanali marosimdag'i nutqidan. /31.08.2021/president.uz
2. Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. Ma'naviyat. Toshkent 2008
3. Shavkat Mirziyoyev. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasidagi nutqidan.Toshkent. 29.12.2020

## **КОММУНАЛ ГИГИЕНА ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Г.Ф.Шерқўзиева., Н.Р.Самигова  
(Тошкент тиббиёт академияси)*

Мамлакатимизда инновация фаолиятини кенгайтириш учун қулай муҳит яратилган. Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида тиббий таълимда инновацияларнинг ва янги педагогик технологияларнинг жорий этиш ва фойдаланишга йўналтирилган стратегияни рўёбга чиқариш алоҳида аҳамиятга эгабўлиб, хусусан тиббий таълим соҳасида ҳам бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга келиб "Таълим ҳақида" ги ва "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур" қонунлари қабул қилинган, шунга мувофиқ равишда таълим тизими ва кадрларни тайёрлашнинг барча тизимларида, хусусан, тиббиётда чуқур ўзгаришлар амалга оширилмоқда[1]. Коммунал гигиена фанидан амалий машғулотдаги ўкув жараёнида ўқитишнинг педагогик технологияларини хусусан хронологик

картани қўлланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у бир қанча бўйлимлардан иборат: кириш, асосий қисм, амалиётдан тажрибалар, мавзуга тегишли инглиз тилидаги маълумотлар ва сўзлар.

Педагогик технологияларга асосан амалий машғулотнинг хронологик картаси мавжуд бўлиб, унда энг аввало ўқув машғулотининг тузилиши: кириш қисм, фанлараро ва фанлар ичра алоқалар, назарий қисм, аналитик қисм (организерлар, тест ва вазиятли масалалар) ҳамда амалий қисмлардан (амалий кўникмаларни қадамма қадам бажариш) иборатдир[2]. Машғулот бошида педагог талбаларга ўқув машғулоти мақсадини тушунтириши лозим; хусусан ташқи муҳит омилларини ифлослантирувчи маънбаларни санитария текшириш услугини баҳолашга, ташқи муҳит объектларидан намуналар олишни, олинган намуналар сифатини назорат килиш буйича ишлаб чиқариш лабараториясининг ташкиллаштирилганлиги, ифлослантирувчи маънбаларнинг санитария текшириш далолатномасининг тузишнинг, ташқи муҳит объектларининг ифлосланишдан санитария муҳофазалаш бўйича профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқишига ўргатиши лозим. Бунда педагогик вазифалари қўйидагилардан иборат бўлиш керак: ташқи муҳит омилларининг ифлосланишининг аҳоли саломатлигига салбий таъсирига қарши курашиб ишларни, коммунал гигиенада огохлантирувчи ва жорий санитария назоратини олиб борища шифокор вазифалари, коммунал объектларнинг ўзига хос томонлари, ташқи муҳит омилларинг ифлосланишининг салбий таъсирини аниқлаш усулларини талabalарга ўргатиш уларнинг билим доирасини шакллантириш ва қизиқиш уйготиш.

Ўқув фаолияти натижалари қўйидагилардан иборат бўлади: ташқи муҳит омилларининг ифлосланишининг салбий таъсирини олдини олиш буйича олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар тартибли равишда очиб берилади, ифлослантирувчи манбалар устидан мукаммал санитария текшириш ишларни босқичма-босқич таснифланади, ташқи муҳит омилларини ифлослантирувчи маънбаларнинг (саноат корхоналари, автотранспорт ва бош) ўзига хос томонларини биладилар. Технологик картага асосан таълим шакллари жамоавий, гурӯҳларда ишлаш (“Биргалиқда ўқиймиз”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг”, “Фикр алмашинг”), якка тартибли бўлиши мумкин. Таълим воситалари сифатида доска-стенд, видеофильмлар, график, диаграммлар, чизма, схема, эслатма, назорат варағи, матнлар, назорат саволлари, мавзу бўйича компьютер дастурлари, тестлар, вазиятли масалалар, ўргатувчи-назорат қилувчи дастурларидан фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда таълим технологиялари янги ўқитиши модели хусусан “Кейс-стади” усулини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Узоқ Фарбда кейслар ўқув режасини 20-25 % ташкил этади. Ушбу усулни коммунал гигиена фанида ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки талabalар мустақил равишда ташқи муҳит омилларини ифлослантирувчи маънбаларни текширадилар бунда аниқ амалий холатларни санитария назоратдан ўтказдилар.

Талabalар мустақил равишда ифлослантирувчи маънбаларни санитария текширувидан ўтказгандарида: вазиятни, яъни объектни санитария холатини мустақил тахлил қилишни, муаммони ифодалашни (санитария- гигиена қоида ва меъёрларига риоя қилинганлиги, камчиликлар) муаммони ечимини топиш

йўлларини аниқлашни яъни камчиликларни бартараф қилиш бўйича профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни бажарувчи масъул шахсни белгилайдилар.

Амалий машғулотнинг хронологик картасига “Кейс-стади” усули киритилганда ўқув фаолиятида кутиладиган натижалар қўйидагича бўлади: талабалар ташқи муҳит омилларини ифлослантирувчиларнинг санитария текшириш дастури билан олдиндан танишиб чиқиб, ушбу омилга таалуқли бўлган қонуний меъёрий хужжатлар тўпламини тахлил қилиш ва обьектни санитария текширишга тайёргарлик қўриш; ифлослантирувчи омилни санитария текшириш олдида турган вазифаларни қўрсатиб бериш; қўлланаётган профилактик чора тадбирларнинг самарадорлигига таъсир қўрсатувчи омилларни (табиий, антропоген) қўрсатиб бериш; ифлослантирувчи маънбанинг санитария текшириш жараёнида аниқланган муаммоли вазиятларни ечишда назарий билимларни қўллаш; муаммо ва камчиликларни аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топиш, яъни таклифлар бериш ҳамда санитария назоратини ўтказганлиги тўғрисида далолатнома тузиш.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар қўйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари керак. Талабалар санитария текшириш далолатномасини тузишда қўйидаги: коммуникатив, хамкорликдаги ишлар, муаммоли холатларни тахлил қилиш кўникмаларига эга бўладилар. Айниқса талабалар ифлослантирувчи маънбаларни санитария текширишдан ўтказганларида ушбу маънба бўйича маълумотларни йиғиш, муаммони аниқлаш ва ечимларини хусусан соғломлаштириш чора тадбирларини қидириш ва ишлаб чиқишда мустақил фикрлайдилар. Бу аҳолини саломатлигини сақлаш ва атроф муҳитни турли ифлосланишлардан санитария муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим ҳақида” ги Қонуни. Тошкент 1997й.
2. Тешаев О.Р. и др. //Проектирование и планирование педагогических технологий в медицине//. Учебно-методическое пособие. Ташкент .-2010г. С.-138

## **ТАЛАБАЛАР БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ ХУСУСИДА**

*доцент А.К.Хайдаров , доцент К.Х.Абдуллаев , Э.А. Қамбаров  
(Наманган муҳандислик-қурилиши институти)*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда танланган соҳаси бўйича мустақил фаолият қўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндашган холда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, тахлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланганд.

Фан, техника, технологиянинг тез суръатларда ривожланиб бориши талабалардан чуқур билим ва тинимсиз кузатувчанликни талаб этмоқда. Бунинг

|   |    |
|---|----|
| <i>E.Xonnazarov</i> ( <i>Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O'zbek tili va adabiyoti universiteti</i> )                    |    |
| FE'LLARDA ZAMON VA ASPEKT MUNOSABATI .....  | 62 |
| <i>ф.ф.н. Феруза Низамова</i> ( <i>Ўзбекистон халқаро ислом академияси</i> )  |    |
| ТИЛ ЎРГАТИШНИНГ МАҲСУЛДОР УСУЛЛАРИДАН БИРИ .....  | 64 |
| <i>Z.Sh.Chuliyeva</i> ( <i>Navoiy davlat pedagogika instituti</i> )   |    |
| KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA KIMYO DARSLARINI<br>TASHKIL ETISH.....  | 66 |
| <i>A.B.Xasanov</i> ( <i>Samarqand davlat arxitektura-qurilish institute</i> )   |    |
| ANIQ FANLARNI O'QITISHDA "JADVAL" METODI.....   | 68 |
| <i>R.A.Tursunov</i> ( <i>Namangan davlat universiteti</i> )   |    |
| ТА'LIM TIZIMIDA MANBAASHUNOSLIK MADANIYATI HAMDA MILLIY<br>MA'NAVIY TAMOYILLAR HARAKTERI .....                                  | 70 |
| <i>Г.Ф.Шерқўзиева,,Н.Р.Самигова</i> ( <i>Тошкент тиббиёт академияси</i> )   |    |
| КОММУНАЛ ГИГИЕНА ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАРДА<br>ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....  | 72 |
| доцент <i>A.Қ.Ҳайдаров</i> , доцент <i>К.Х.Абдуллаев</i> , Э.А. Қамбаров ( <i>Наманган<br/>муҳандислик-қурилиши институти</i> ) |    |
| ТАЛАБАЛАР БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА<br>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ ХУСУСИДА.....                                       | 74 |
| <i>t.f.n., dotsent O.R.Qo'ychiev</i> ( <i>Jizzax politexnika instituti</i> )  |    |
| "MATERIALSHUNOSLIK" FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY<br>INFORMATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH METODIKASI                        | 76 |
| <i>A.T.Назаров</i> ( <i>Наманган давлат университети</i> )  |    |
| ТАЛАБАЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ПЕДАГОГИК<br>ҚАДРИЯТЛАР .....   | 78 |
| <i>Г.Б. Нафасова</i> ( <i>Гулистон Давлат Университети</i> )  |    |
| ФИЗИКАНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЭВРИСТИК МАСАЛАЛАРНИ<br>ТАНЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....   | 79 |